

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үч.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ХУДОЙБЕРДИЕВ АБДУРАШИД АБДИРАСУЛОВИЧ**

**ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА  
ХАВФСИЗЛИГИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (PhD) dissertation**

**Худойбердиев Абдурашид Абдирасулович**

Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини  
маъмурий-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш ..... 3

**Худойбердиев Абдурашид Абдирасулович**

Совершенствование административно-правового обеспечения  
общественного порядка и безопасности при проведении массовых  
мероприятий ..... 25

**Khudoyberdiev Abdurashid Abdurasulovich**

Improvement of the administrative-legal provision of public  
order and safety in mass events..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ХУДОЙБЕРДИЕВ АБДУРАШИД АБДИРАСУЛОВИЧ**

**ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА  
ХАВФСИЗЛИГИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси манзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Yu150 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziyouet» ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Селиманова Светлана Михайловна юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Маматов Худоёр Тешаевич юридик фанлар доктори, профессор Бекчанов Даврон Машарипович юридик фанлар бўйича фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 5 декабрь куни соат 14:30даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: [info@akadmvd.uz](mailto:info@akadmvd.uz)).


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (119 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52.


Диссертация автореферати 2020 йил 24 ноябрь куни тарқатилди.

(2020 йил 24 ноябрдаги 28-рақамли реестр баённомаси)



  
А.С. Турсунов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, юридик фанлар доктори,  
профессор

  
Дж.Х. Юлдашев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори, доцент

  
Р. Кабулов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, юридик  
фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё мамлакатларида оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш кўп қиррали ва комплекс тавсифланувчи масала сифатида давлат, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётган муаммолардан бири. Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бир томондан, фуқароларнинг эркин равишда йиғилишлар ўтказишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш билан боғлиқ бўлса, бошқа томонидан оммавий тадбирларни рухсатсиз ва ноқонуний ҳолда ўтказиш давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид сифатида баҳоланади. Хориж мамлакатларидан АҚШ (2020), Франция (2018), Украина (2018), Беларусь (2020), Қирғизистон (2018, 2020) ва бошқа давлатларда оммавий тадбирларни ўтказиш, жумладан, кўча намоёишлари ва митинглар билан боғлиқ ноҳуш ҳолатларнинг юзага келганлиги масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Жаҳон миқёсида оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишни ташкилий-ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса оммавий тадбирлар вақтида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва диний омиллар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган тартибсизликлар, ноқонуний митинг ва кўча юришлари каби мураккаб жараёнларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш, мазкур омиллар натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган ижтимоий хавфнинг олдини олиш ва оммани бошқаришнинг илмий асосланган самарали мезонларини ишлаб чиқиш, жамоат тартиби ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш даражасини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жами ўтказилган оммавий тадбирлар 2018 йилда 74 811 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 109 977 тага етиб, ўтган йилга нисбатан 47 фоизга ошган. Тадбирларда иштирок этувчилар кўрсаткичининг 40 259 051 нафардан (2018 йилда) 96 357 978 нафарга (2019 йилда) етиб, 58 фоизга кўпайганлиги<sup>1</sup> мамлакатимизда оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда жамоат тартиби ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибининг оммавий бузилишини олдини олишда ички ишлар органларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигининг илмий-назарий асослари ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этиб, мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш, уларнинг натижаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этишни талаб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармасининг статистик маълумотлари.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994), Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги ЎРҚ-369-сон, 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон, 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон, 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-445-сон қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармонлари, 2017 йил 1 майдаги «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2940-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 205-сон қарори ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот мавзусининг умумий жиҳатлари ҳамда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш масалалари республикамиз етакчи олимларидан Х.Р. Алимов, С.Т. Ахмедова, Ҳ.Б. Бобоев, И. Исмаилов, Б.И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, С.М. Селиманова, А.С. Турсунов, У.Т. Таджиханов, Л.Б. Хван, Э.Т. Хожиев, О.Т. Ҳусанов, И.А. Хамедов, Х.Т. Одилқориев, Ў.Х. Мухамедов ва Ф.Х.Рахимовлар томонидан илмий изланишлари доирасида ўрганилган.

Бевосита, ички ишлар органлари томонидан жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш масалалари, хусусан патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, уларнинг бошқа субъектлар билан ҳамкорлигини ташкил этиш (И. Исмаилов, М.З.Зиёдуллаев), оммавий тадбирларни ўтказиш шароитида жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш (С.Т.Ахмедова), назорат-лицензия тизимини такомиллаштиришнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари (С.М.Селиманова), паспорт тизимини таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари (Дж.Х.Юлдашев), шунингдек ички ишлар

органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларнинг олдини олиш (Ж.С.Мухторов) билан боғлиқ масалалар алоҳида тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатлар олимларидан, Л.М. Колодкин, А.П. Коренев, В.И. Косяченко, Б.В. Россинский, Ю.Н. Стариков, Б.Н. Габричидзе, А.Г. Чернявский, Ю.Л. Соловей, Ф.Е. Колонтаевский, Х.А. Юсупов, Д.А. Коротченко, Б.М. Смоленский, И.К. Тимошенко, М.М. Звягин, В.В. Лазарев, Л.Л. Попов, Л.М. Розин, Ш.И. Веремеенко ва бошқа қатор олимлар<sup>2</sup> жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, оммавий тадбирларни ўтказиш масалаларида илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Шу билан бирга, мазкур тадқиқотларда оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, оммавий тадбирларни таснифлаш, оммавий тадбирлар ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш масалаларига илмий жиҳатдан ёндашилмаган, оммавий тадбир ташкилотчилари ва жамоат тартибини таъминлашга масъул бўлган субъектларнинг вазифалари ва жавобгарлиги ҳуқуқий жиҳатдан аниқ мустаҳкамланмаган. Таъкидлаш лозимки, ханузгача оммавий тадбирларни таснифлаш, оммавий тадбирлар ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган комплекс мустақил илмий тадқиқот ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда маъмурий юрисдикциявий фаолиятини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот иши доирасида бажарилган (2017–2020).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистон Республикасида оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлиги маъмурий-ҳуқуқий таъминлашнинг назарий асосларини ўрганиш;

оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигининг маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишини таҳлил қилиш;

оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;

ички ишлар органлари томонидан оммавий тадбирларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

---

<sup>2</sup> Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари томонидан маъмурий чеклаш чораларини қўллаш хусусиятларини ўрганиш;

оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни тадқиқ этиш;

оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларининг самарадорлигини ошириш бўйича хулосаларни шакллантириш;

оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлиги маъмурий-ҳуқуқий таъминланишини ривожлантиришга қаратилган илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлаш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предметини** оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фандаги концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий таҳлил, анкета сўрови, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, тизимли ёндашув, мантиқийлик усулларидан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

конун ҳужжатларида Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси (ходими)нинг хизмат вазифаларини бажаришига қаршилик кўрсатиш ёки унинг қонуний талабларини бажармаслик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутиш зарурати исботланган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларининг оммавий тадбирларнинг белгиланган талабларга жавоб берадиган объектларда ўтказилишини таъминлаш, оммавий тадбир ташкилотчиси ва (ёки) тадбир ўтказилаётган объект маъмурияти томонидан ушбу тадбирларни ўтказиш шартларининг бузилишига йўл қўйилганда, комиссияларга оммавий тадбирларни ўтказиш шартларига риоя этилишини текшириш юзасидан топшириқлар бериш бўйича ҳуқуқ ва вазифаларини белгилаш зарурати асослантирилган;

биринчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан рухсатномалар беришда ҳудудий ички ишлар органлари билан бир қаторда, Миллий гвардия ҳудудий бўлинмаларининг ҳам розилиги талаб этилишини конун ҳужжатларида мустаҳкамлаш зарурати илмий асосланган;

замонавий ёндашув асосида «оммавий тадбирлар»нинг тушунчаси, моҳияти ва турлари илмий асосланган, идоравий норматив ҳужжатларда



«оммавий тадбирлар» ва «ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари» тушунчаларини акс эттириш лозимлиги асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган илмий хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар мамлакатда фуқароларнинг эркин равишда йиғилишлар ўтказишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш даражасини ошириш билан бирга, давлат ва жамият хавфсизлигига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган таҳдид ҳамда хатарларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида оммавий тадбирларни ўтказиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши республикамизда оммавий тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни қонун даражасида тартибга солишга, бу борадаги ваколатли органларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказиш асослари, тартиби ва шартларининг қонунда аниқ белгиланишига хизмат қилади. Мазкур қонун лойиҳа ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасига тақдим этилиб, қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган (2019 йил 21 декабрдаги 3/7-121-сон, 2020 йил 24 августдаги 06/2-06/1694-сон маълумотномалар).

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ меъёрлари, хорижий давлатлар ва миллий қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг илғор ҳамда ижобий тажрибалари, эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили, социологик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш орқали асослантирилган. Ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилган, тадқиқот натижалари хорижий ва миллий етакчи нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган. Диссертация ишида ички ишлар органлари соҳавий (патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидирув) хизматларининг 368 нафар мутахассислари ва 50дан ортиқ илмий-педагог ходимлар ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари ҳамда 271 та оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича амалиёт материаллари умумлаштирилган ва таҳлил қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда келтирилган тавсиялардан оммавий тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ амалий фаолиятда, мазкур йўналишда ички ишлар органлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишда, оммавий тадбирларни ўтказишда маъмурий-ҳуқуқий воситаларни қўллаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан оммавий тадбирларни

ташқил қилиш ва ўтказиш тартиби юзасидан махсус таълим машғулоти ўтказиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижалари маъмурий-ҳуқуқий фанлар, жумладан, «Маъмурий ҳуқуқ», «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» ва «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш» фанлари бўйича ўқув машғулотларини олиб боришда, фан бўйича ўқув-методик адабиётлар ишлаб чиқилишида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган тавсия ва хулосаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, уларнинг жорий этилиши жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга, мазкур соҳадаги шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш даражасини оширишга, шунингдек ички ишлар ва бошқа ваколатли органларнинг фаолиятидаги ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оммавий тадбирлар ўтказиш вақтида жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган:

қонун ҳужжатларида миллий гвардия ҳарбий хизматчиси (ходими)нинг хизмат вазифаларини бажаришига қаршилик кўрсатиш ёки унинг қонуний талабларини бажармаслик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутишга доир таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-575-сон қонуни 1-моддасининг биринчи ва иккинчи бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 12 майдаги 8-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олиниши миллий гвардия бўлинмаларининг оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ваколатларини кенг қўллашга имкон яратган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларининг оммавий тадбирларнинг белгиланган талабларга жавоб берадиган объектларда ўтказилишини таъминлаш, оммавий тадбир ташкилотчиси ва (ёки) тадбир ўтказилаётган объект маъмурияти томонидан ушбу тадбирларни ўтказиш шартларининг бузилишига йўл қўйилганда, комиссияларга оммавий тадбирларни ўтказиш шартларига риоя этилишини текшириш юзасидан топшириқлар бериш бўйича ҳуқуқ ва вазифаларини белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 июлдаги «Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 559-сон

қарори билан тасдиқланган Илованинг 70<sup>11</sup> ва 70<sup>12</sup> бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 12/20-11-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши оммавий тадбир ташкилотчиси ва (ёки) тадбир ўтказилаётган объект маъмурияти томонидан ушбу тадбирларни ўтказиш шартлари бузилишининг олдини олишга ҳамда қонунчиликда махсус комиссияларнинг оммавий тадбирларни ўтказиш шартларига риоя этилишини текшириш, топшириқлар бериш юзасидан ҳуқуқлари ва вазифаларининг белгиланишига хизмат қилган;

биринчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан рухсатномалар беришда ҳудудий ички ишлар органлари билан бир қаторда, миллий гвардия ҳудудий бўлинмаларининг ҳам розилиги талаб этилишини қонун ҳужжатларида белгилашга доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 июлдаги «Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 559-сон қарорига илованинг 3-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий девонининг 2020 йил 15 февралдаги 1241-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

идоравий норматив ҳужжатларда «оммавий тадбирлар» ва «ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари» тушунчаларини ақс эттиришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 13 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тизимидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 148-сон буйруғи билан тасдиқланган низомнинг иккинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 23 сентябрдаги 6/1416-сон маълумотномаси). Таклифларнинг инобатга олиниши оммавий тадбирлар билан боғлиқ илмий-назарий тушунчаларнинг ягона шаклда қўлланилишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқотининг асосий мазмуни ва илмий натижалари 3 та халқаро, 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 5 та (шундан 3 таси хорижда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 154 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлашнинг назарий жиҳатлари**» номли биринчи бобда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий зарурияти ва оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси тадқиқ этилган.

Жумладан, унда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш давлатнинг асосий функцияларидан бири эканлиги илмий асосланган. Мазкур функцияни амалга ошириш мақсадида турли ташкилий ва ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши, алоҳида тартиботлар татбиқ этилиши лозимлиги кўрсатиб берилган. Хусусан, республикамизда ҳар йили ўтказилаётган минглаб сиёсий, маданий ва спорт оммавий тадбирлари шундай зарурат асосида ўтказилиши, уларни таъминловчи куч ва воситаларнинг бугунги кун талабларига мувофиқлиги ҳамда жавоб бериши, бу борадаги мавжуд ҳолат ва уни ижобий томонга ривожлантиришга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги асосланган.

Мазкур бобда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари тадқиқ этилиб, ҳуқуқ назариясининг етакчи олимлари (А.Х. Саидов, Х.Т.Одилқориев, О.Т. Хусанов, И.Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, С.Т. Ахмедова, Б.П.Кондрашев, Е.Ф.Колонтаевский, А.А. Варгузова)нинг қарашлари ўрганилган. Улар натижасида «жамоат тартиби», «жамоат хавфсизлиги» ва «фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги» тушунчаларига нисбатан муаллифлик таърифлари шакллантирилган ва уларнинг амалдаги қонунчиликда акс этирилиши мазкур фаолият йўналишининг назарий жиҳатларини янада бойитиши асосланган.

Тадқиқотчи изланишлар натижасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашни илмий жиҳатдан тадқиқ этишнинг ижтимоий заруриятини куйидагилар билан изоҳлайди:

*биринчидан*, Марказий Осиёда диний экстремизм ва терроризм хавфи сақланиб қолган ҳолда республикамизда ўтказилаётган халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган оммавий ижтимоий ва спорт тадбирларини кўпайиб бораётганлиги;

*иккинчидан*, оммавий тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилинмаганлиги, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кундалик ҳаётда мавжуд бўлган муаммоли ҳолатларнинг ечими ўз аксини топмаганлиги;

*учинчидан*, оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлардаги хавфсизлик талабларига тўлиқ риоя этилмалиги ва тадбир ташкилотчилари томонидан тайёргарлик кўриш жараёнида муаммолар мавжудлиги;

*тўртинчидан*, амалдаги норматив базада оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўришда ички ишлар органларининг ҳаракатлари аниқ тартибга солинмаганлиги, уларнинг ваколат доирасини аниқ чегараловчи ҳуқуқий механизмларнинг белгилаб берилмаганлиги;

*бешинчидан*, оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг асосий вазибалари маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тартибга солинмаганлиги;

*олтинчидан*, маъмурий қонунчиликда оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик асосларининг заифлиги, уларни белгиловчи нормалардаги коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги.

Юқоридагилар асосида муаллиф «Ўзбекистон Республикасининг оммавий тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги қонуни» лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши лозим эканлигини асослайди.

Диссертацияда оммавий тадбирларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни ўтказиш вақтида юзага келиши мумкин бўлган алоҳида шароитлар, мазкур жараёнда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга таъсир кўрсатувчи омиллар тадқиқ этилган. Жумладан, қуйидагилар оммавий тадбирларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида баҳоланган:

оммавий тадбирлар одамлар (омма)нинг (фаол ёки томошабин сифатидаги) иштирокини тақозо этади;

аввалдан белгиланган мақсадларга эга уюшган оммавий ҳаракатлар бўлиб, муайян субъектлар ташаббуси билан амалга оширилади;

иштирокчиларининг сони ноаниқ бўлади;

жамоат жойларда ўтказилади;

белгиланган тартибда руҳсат олиниши зарур.

Диссертант «оммавий тадбир», «оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш» тушунчаларининг моҳиятини очиқ бериш ҳамда уларга нисбатан муаллифлик таърифларини шакллантиришда бир қатор ҳуқуқшунос олимлар (Д.А.Коротченков, И.А. Дьяков, В.Неклюдов, А.Б.Кодзов, Е.А.Дьяченко, Д.Н.Гущин, А.В.Гусевлар)нинг илмий қарашларига таянган. Унинг фикрига кўра, оммавий тадбирларни қуйидаги белгилари бўйича таснифлаш мумкин: 1) мазмуни ва йўналтирилганлиги бўйича;

2) аҳамияти бўйича; 3) ўтказилишининг даврийлиги бўйича; 4) юзага келиши усули бўйича; 5) иштирок этиш имконияти бўйича.

Муаллиф мазкур бобда жамоатчилик ўз мақсадлари ва манфаатларини рўёбга чиқаришда мунтазам равишда йиғилишлар, митинглар, намойишлар ўтказиб боришлари ва ушбу оммавий тадбирларнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишини муҳим аҳамият касб этишидан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги илғор хорижий давлатлар полиция тизимига эътибор қаратиш муҳим масалаларни ўрганишга ва уларнинг ижобий тажрибасидан фойдаланишга имконият яратишини эътироф этади.

Ишнинг мазкур қисмида АҚШ, Франция, Германия, Япония, Хитой, Россия, Қозоғистон, Беларусь каби мамлакатларнинг оммавий тадбирларни ўтказиш даврида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича илғор тажрибалари таҳлил этилган. Мазкур давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш асосида оммавий тадбирларни ўтказиш объектлари, уларни ташкиллаштириш субъектлари, жойлари бўйича ўзига хос хусусиятлар мавжуд эканлиги аниқланган, булар асосан оммавий тадбирларни ўтказишда хабардор этиш (огоҳлантириш) тартиби ва механизмларининг жорий этилганлиги, уларни ўтказишда муайян маъмурий чекловлар қўллаш тизимининг мавжудлиги ҳамда уларни миллий қонунчилик тизимимизга татбиқ этишнинг ижобий жиҳатлари тўғрисида илмий хулосалар шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлаш амалиёти таҳлили**» деб номланган иккинчи бобда муаллиф оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг принциплари ва маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиниши, ички ишлар органлари томонидан оммавий тадбирларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари томонидан маъмурий чеклаш чораларини қўллаш хусусиятлари тадқиқ этилган.

Хусусан, муаллифнинг фикрига кўра, жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш принциплари тизими ижтимоий-ҳуқуқий ва ташкилий-ҳуқуқий принциплардан таркиб топади. Ижтимоий-ҳуқуқий принциплар гуруҳига умумижтимоий хусусиятга эга бўлган ва хавфсизлик даражаси ҳамда субъектнинг у ёки бу жойда бўлишидан қатъий назар жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган принциплар киради. Ижтимоий-ҳуқуқий принциплар жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг асосий ишончли қоидалари ҳисобланади. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий принципларининг моҳиятини ўрганиш унинг таркибига кирадиган қуйидаги хусусиятларни аниқлаш имконини беради: инсонпарварлик, ижтимоий адолат, холислик, аниқлик, самарадорлик, марказлаштириш ва номарказлаштириш уйғунлиги, халқ кўмаги ва ишончига суяниш, ошкоралик ва касбий сир мутаносиблиги, қонунийлик ва интизом.

Ташкилий-ҳуқуқий принциплар сирасига шундай принциплар кирадики, улар асосида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш амалда ташкил

қилинади, яъни уларнинг барча турлари ягоналиги ва ўзаро боғлиқлиги, улар устидан тегишли давлат органлари ва жамоат институтларининг назорати каби омилларга амал қилинади. Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қилишнинг энг қулай вариантларини танлаш, хавфсизлик субъектлари ўртасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажариш бўйича ваколатларни оқилона тақсимлаш, бир-бирини такрорлашни бартараф қилиш мумкин бўлади.

Ишда жамоат тартиби муҳофазаси соҳасида амалда бўлган ҳуқуқий нормалар таҳлили амалга оширилган бўлиб, мазкур муносабатлар уларни тартибга солиш доирасига қараб, қуйидаги икки асосий гуруҳга ажратилган ҳолда изоҳланган:

1) жамоат тартиби муҳофазаси соҳасида фуқароларнинг ҳуқ-атворини тартибга соладиган, уларни бузганлик учун жавобгарлик ўрнатадиган ҳуқуқий нормалар;

2) жамоат тартиби муҳофазаси бўйича давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларининг вазифалари, ваколатлари, фаолиятларининг шакл ва усулларини белгилайдиган нормалар.

Мазкур бобда ички ишлар органлари томонидан оммавий тадбирларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг хусусиятлари тадқиқ этилиб, айрим ҳолларда оммавий тадбирларнинг ўтказиш объектлари (жойлари)да жамоат хавфсизлиги принциплари асосида қўйилган талаблар ҳам инобатга олинмаяпти, мазкур масала ўзининг қонуний ечимини топмаган деган хулосага келган.

Бунинг натижасида, айрим ҳолларда оммавий тадбирлар ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, чегара ҳудудлари, жазони ижро этиш муассасаларига туташ жойларда ҳам ўтказилиши кузатилмоқда. Бу эса, оммавий тадбир ўтказишдаги жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига бўлган таҳдидни кескин оширади. Диссертантнинг фикрича, ушбу муаммоли ҳолатларни ҳал этиш жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини тўлиқ таъминлашга хизмат қилиши учун қонунчиликка оммавий тадбирлар ўтказилиши таъқиқланадиган объектлар (ҳудудлар) қаторига қуйидагиларни киритиш заруратини юзага келтиради:

1) хавфли ишлаб чиқариш объектларига ҳамда фойдаланиши махсус хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилишини талаб этадиган бошқа объектларга бевосита туташ ҳудудлар;

2) кўприк йўллар, темир йўл магистраллари ҳамда темир йўллар, нефть, газ ва нефть маҳсулотлари ўтказиладиган қувурлар, юқори кучланишли электр узатиш линиялари;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳи, судлар эгаллаб турган бинолар, озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасалари ҳудудлари ва биноларига бевосита туташ ҳудудлар;

4) чегара зоналар, агар бунинг учун ваколати бор чегара органларининг махсус руҳсати бўлмаса.

Диссертант оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган маъмурий чеклаш чораларининг турлари уларнинг мақсадига, хусусиятига ва таъсир этиш объектига кўра куйидагиларга бўлиниши мумкинлигини асослаган:

1) ҳуқуқбузар – жисмоний шахсга нисбатан қўлланиладиган чоралар: ҳуқуққа хилоф ҳаракатни тўхтатиш тўғрисидаги талаб; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш; ҳуқуқбузарга жисмоний таъсир этиш қурол ва бошқа махсус воситаларни қўллаш;

2) ҳуқуқбузар – юридик шахсга нисбатан қўлланиладиган чоралар: корхона фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки уни ёпиш; лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш;

3) техник хусусиятга эга бўлган чоралар: техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган транспорт воситалардан фойдаланиш тўхтатиб қўйиш; оммавий тадбирлар сахналарида фойдаланиладиган техник воситаларни хавфсизликка таҳдид соладиган ҳолатларда тўхтатиб қўйиш;

4) мулкий хусусиятга эга бўлган чоралар: ўқ отар қуролларни олиб қўйиш; ҳуқуқбузарлик буюми ёки ашёси бўлган мулкни олиб қўйиш;

5) эпидемиологик хусусиятга эга бўлган чоралар: давлат санитария назорати органлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар; давлат ветеринария назорати органлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар;

б) молия-кредит хусусиятига эга бўлган чоралар.

Шунингдек, диссертант жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида оммавий тадбирлар ўтказиладиган ҳудудлардаги мавжуд барча коммунал хизмат кўрсатиш, электр қуввати ва конализация тармоқларининг иш ҳолатини ҳамда уларнинг хавфсизлик талабларига мослигини ички ишлар органлари ходимлари (махсус хизматлари, кинолог, сапёр ва ҳ.к.) ҳамда фавқулотда вазиятлар вазирлиги (ёнғин хавфсизлиги) ходимлари ҳамкорлигида (иштирокида) текшириб чиқишнинг мажбурий тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келган.

Диссертация ишининг «**Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш йўллари**» деб номланган учинчи бобда оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда белгиланган тартибни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш амалиётининг бугунги ҳолати ва самарадорлигини ошириш истиқболлари, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлашни ривожлантириш, бу борада ички ишлар органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш масалалари тадқиқ этилган.

Жумладан, амалдаги қонунчилигимизда жавобгарлик назарда тутилмаган, бугунги кунда маъмурий жавобгарлик доирасига киритиш заруратини юзага келтираётган бир қатор қилмишлар учун жавобгарлик белгилаш борасида таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.



Диссертантнинг фикрича, ҳозирда жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар таркибини таҳлил қилиш уларда бир қатор, жумладан, оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш қоидаларининг бузилишига олиб келадиган ҳар қандай қилмишни содир этиш, яъни, ёнувчан, заҳарловчи, тез алангаланувчи, портловчи ҳамда заҳарли моддалар ва ашёлардан фойдаланиш, сақлаш ва уларни олиб юриш қоидаларини бузиш, худди шунингдек оммавий тадбир ўтказилаётган жойда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик учун жавобгарлик назарда тутилмаганлигини кўрсатишини, бу эса оммавий тадбирлар ўтказиш шароитида ижтимоий хавфнинг ортишига сабаб бўлаётганлигини асослаган.

Илгари сурилган таклиф юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиёти мутахассис ходимларининг фикрлари ўрганилиб, улар ўртасида социологик сўров асосида келтирилган қилмишларнинг ижтимоий хавфини ҳамда уларни жавобгарлик доирасига киритиш заруратини аниқлашга ҳаракат қилган. Жумладан, амалиёт ходимларига *«Сизнингча, оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш қоидаларининг бузилишига олиб келадиган қилмишни содир этиш, ваколатли органларнинг оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларига риоя этиш бўйича берган қонуний талабларини бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш зарурати мавжудми?»* деган савол билан мурожаат қилинганда, респондентларнинг 71,9 % – мазкур қилмишлар учун жавобгарлик белгилаш оммавий тадбир вақтида юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий хавфни камайтиришга хизмат қилади; 18,7 % – таклифни миллий қонунчиликка киритиш ҳеч қандай самара бермайди; 9,4 % – саволга муайян жавобни беришга қийналишини маълум қилишган.

Шунингдек, диссертант рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказиш учун шароитлар яратишни назарда тутувчи маъмурий қонунчилик нормасини (202-модда) таҳлил қилиб, унда бундай қилмишлар учун жавобгарлик доираси тўлиқ қамраб олинмаганлигига алоҳида аҳамият қаратган. Хусусан, диссертантнинг фикрича йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар барча турдаги оммавий тадбирларни ўзида қамраб олмасдан, фақатгина сиёсий хусусиятдаги тадбирларни назарда тутуди. Бу эса ўз навбатида, бошқа турдаги оммавий (маданий, спорт, диний ва ҳ.к.) тадбирларни ноқонуний ўтказилишига шароит яратганлик учун жавобгарлик мавжуд эмаслигини аниқлатади.

Тадқиқотчи жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш амалиётида оммавий тадбирлар ўтказиш шароитида ҳуқуқбузарлик фактларини содир этган шахсларни ушлаш, уларга нисбатан маъмурий чеклаш чораларини қўллаш асослари ва шартларини таҳлил қилиб, миллий қонунчилигимиз (Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 284-моддаси)да *«оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилган қоидалар бузилган тақдирда тадбирнинг ташиқлотчи ва иштирокчилари ҳаракатини*

*тўхтатиш, шунингдек оммавий тадбирни тўхтатиб қўйиш мақсадида ҳуқуқбузар, агар унда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва у ҳақда зарур маълумотлар бериши мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса, ваколатли шахс томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига, ички ишлар органлари таянч пункти ёхуд ички ишлар органларига ушлаб келтирилиши мумкин»*лигини белгиловчи қоидалар мавжуд эмаслигига алоҳида урғу беради ҳамда мазкур ҳолат ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи асосий қонун нормаларида ҳам ўз аксини топмаганлигини кўрсатиб ўтади. Шу асосда, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 284, 288, 290-моддаларини янада такомиллаштириш зарурати мавжудлигини асослаган.

Бундан ташқари, ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон Қонунида оммавий тадбирлар вақтида ходимлар томонидан маъмурий чеклаш чораларини қўллаш асосларини ҳуқуқий мустаҳкамловчи механизмларни яратишга қаратилган таклиф ва тавсияларни илгари сурган ва қарашларини ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижалари ҳамда мутахассисларнинг фикрлари билан асослаган. Жумладан, тадқиқот давомида ўтказилган социологик сўровларда амалиёт ходимларига «*Оммавий тадбирлар ўтказилаётган объектларда жисмоний шахсларни шахсий кўрикдан ўтказишни, улардаги ашёларни, транспорт воситаларини ҳамда олиб ўтилаётган юкларни кўрикдан ўтказишни, шунингдек оммавий тадбирлар ўтказилаётган объектларга ноқонуний кириш ёки таъқиқланган предметларни киритиш учун ҳаракат қилаётган шахсларни вақтинчалик ушлаб туришни ички ишлар органларининг ҳуқуқлари қаторига киритишни назарда тутувчи қўшимчаларни «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамлашга нисбатан фикрингиз?» деган савол билан мурожаат қилинганда, сўровда қатнашувчиларнинг 79,1 % – тўлиқ маъқуллайман; 14,6 % – қўшилмайман; 6,3 % – саволга жавоб беришга қийналишини маълум қилган.*

Оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда хавфсизликни таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида тадқиқот ишида маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларини кучайтириш бўйича тавсиялар илгари сурилган. Жумладан, амалдаги қонун ҳужжатлари (1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-ХП-сон қонунининг 25-моддаси)да *оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлар атрофида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда транспорт ҳаракатини чеклаш ёки таъқиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатини туман, шаҳар ҳокимлари ваколатлари қаторига киритиш зарурати юқорилиги илмий асосланган.*

Диссертациянинг **хулоса** қисмида асосий илмий натижалар (хулоса, таклиф ва тавсиялар) келтирилган.

## ХУЛОСА

Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлиги таъминланишини такомиллаштиришга бағишланган диссертация тадқиқоти натижалари унда таҳлил этилган масалаларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда илмий назарий хулосалар, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ва ваколатли органларнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар шаклида баён этилди:

### **I. Илмий-назарий хулосалар:**

1. Қуйидаги тушунчаларнинг муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

*оммавий тадбирлар* деганда – очик ва ёпиқ объектлар, бино ҳамда иншоотларда 100 ва ундан ортиқ кишиларнинг иштирокида ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий ва кўнгилочар-томоша дастурлари, шунингдек умумхалқ, диний, касб байрамларини ўтказиш мақсадида ташкил этиладиган тадбирлар тушунилади;

*оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш* бу – шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини жиноий ва бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, ижтимоий низолар, оммавий тартибсизликлар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

